

-сонли иш

А Ж Р И М

(ишни кўришни бошқа кунга кўчириш тўғрисида)

Тойлоқ тумани

2025 йил 27 июнь

Тойлоқ туманлараро иқтисодий судининг судьяси С.Э.Чулиев, ушбу кун суднинг иш юритувида мавжуд бўлган -сонли иқтисодий иш ҳужжатлари билан танишиб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

Даъвогар «ЕСО-HYGIENIC» МЧЖ (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади)дан даъвогар фойдасига товар белгисига доир мутлақ ҳуқуқларни бузганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг минг баравари миқдорида товон пули ундиришни сўраган.

Даъво аризасини кўриб чиқиш 2025 йил 27 июнь куни куни соат 14-30га қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг навбатдаги мажлиси 2025 йил 27 июнь кунига белгиланган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, ишни кўришни бошқа кунга кўчириш лозим бўлади.

Қайд этилганларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 127, 195-моддаларини қўллаб, судья

а ж р и м қ и л д и :

Тойлоқ туманлараро иқтисодий судининг -сонли иқтисодий ишини кўриб чиқиш 2025 йил 04 июль куни соат 15-30га кўчирилсин.

Тарафлар бу тўғрисида хабардор қилинсин.

Судья

С.Э.Чулиев

